



2020 у «5» ноябрь

№ Қ-614

«   »     20    г

Вилоят ҳокимининг 2019 йил  
23 декабрдаги Қ-646-сон қарорига  
ўзгартириш ва қўшимчалар  
киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 - моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахсларнинг номлари ва рамзларида Давлатнинг расмий номидан фойдаланишни тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 11 октябрдаги 286-сон қарорига асосан, Сурхондарё вилоят Адлия бошқармасининг 2020 йил 18 сентябрдаги 11/1-11/726-сон ва Ўзбекистон хусусий агрофирмасининг 2020 йил 10 августдаги 01-сон хатларини кўриб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сурхондарё вилоят Адлия бошқармасининг 2020 йил 18 сентябрдаги 11/1-11/726-сон ва Ўзбекистон хусусий агрофирмасининг 2020 йил 10 августдаги 01-сон хатлари инобатга олинсин.
2. Вилоят ҳокимининг “Термиз тумани “Каттақум” СИУ “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудудидан “Ўзбекистон” хусусий агрофирмасига ер майдони ажратиш тўғрисида” 2019 йил 23 декабрдаги Қ-646-сон қарорига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:  
қарорнинг номидаги “Ўзбекистон” хусусий агрофирмасига” сўзлари “YAXSHIGUL-SULTON” МЧЖга” сўзлари билан алмаштирилсин;  
қарорнинг 2-бандидаги “Ўзбекистон” хусусий агрофирмасига” сўзлари “YAXSHIGUL-SULTON” МЧЖга” сўзлари билан алмаштирилсин.
3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз туман ҳокимлиги (Ш.Уринов) мазкур қарорга асосан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов